

НД 25862
095

НД 25862
095

ЖОНИМҚУЛ ТҰРА

Күнчил кутпан күйшклар



2001-1094

ЖОНИМҚУЛ ТЎРА

**КЎНГИЛ КУТГАН
ҚЎШИҚЛАР**

Шеърлар

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Тошкент – 2000

Ўз2
Т98

Тўра, Жонимкул.
Кўнгил кутган кўшиқлар: Шеърлар. –
Т.:Ф. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат
нашр., 2000. – 32 б.


Ватанга, халқига муҳаббатини, интизор кутгани – Ис-
тиқдолга садоқатини самимий мисраларда баён этиш бах-
тини ҳис қилган ёш шоир Жонимкул Тўра шеърлари ўқув-
чиларни лоқайд қолдирмайди, дилларга эзгулик нурини
ёғдиради.

Ўз2

Т 4702620202-31 қатъий буюртма, 2000
М352 (04)–2000

© Жонимкул Тўра,
Фафур Гулом номида-
ги Адабиёт ва санъат
нашриёти, 2000й.

ISBN5-635-01876-9



Энди шеър ёзаман, тўлиб ёзаман,
Ғам-аламни қўйиб, кулиб ёзаман,
Навоийга шогирд бўлиб ёзаман,
Ушалди-ку менинг асрий армоним,
Истиклол муборак, Ўзбекистоним!

Юз йилки, юраги қора қон бўлдим,
Ўзбекнинг ерида ўзга жон бўлдим.
Минг шукр, қайтадан мусулмон бўлдим,
Қайтгани рост бўлсин дину иймоним,
Озодлик муборак, Ўзбекистоним!

Бугун шоирларинг ҳақ сўзни айтар,
Бугун ғанимларинг йўлидан қайтар,
Бугун тирилади кўмилган байтлар,
Бевақт жон бермасин Чўлпон, Усмоним,
Буюк бахт муборак, Ўзбекистоним!

Қуриган дарёйдим, қайта тўламан,
Ўз мулкимга ўзим эга бўламан,
Ўлсам Отабекдек шаҳид ўламан,
Розиман юрт учун тўкилса қоним,
Сен озод бўлсанг бас, Ўзбекистоним!

1991 йил, декабрь



Она юртим! Чўққи бўлдинг, қор бўлай,
Эриб-эриб бағрингда анҳор бўлай,
Боғларингда оби ҳаёт бўлмасам,
Изсиз кетиб дийдорингда зор бўлай.

Мустақилсан, ушалди зўр армонинг,
Толеинг бор, донишманддир сарбонинг,
Буюк манзил йўлидадир карвонинг,
Йўлга чиқдинг, қаторингда нор бўлай.

Тўғри бўлдим, айтган сўзим ўқ бўлди,
Меҳнат қилдим, кўнглим доим тўқ бўлди,
Юз йиллик ғам юрагимдан йўқ бўлди,
Осмонингда эркин учган сор бўлай.

Зимистондан чиқиб, ёруғ нур бўлдинг,
Ўзлигингни таниб, озод, ҳур бўлдинг,
Минглаб шоир қаламида шеър бўлдинг,
Навоийнинг карвонида бор бўлай.

Қирқ йил яшаб англадим бир маънини,
Асл ўғлон ўйлар элнинг шаънини,
Жондан севар Жонимқул Ватанини,
Фурур бўлай, номус бўлай, ор бўлай.



Эл-юртни ўйламай қаққайиб турсам,
Мададкор бўлмасам ночорни кўрсам,
Фақат ўзим учун елиб югурсам,
Эшитиб қоламан илғар-илғамас:
“У – Райим буванинг боласи эмас”.

Эшигим берк бўлса, кирмаса меҳмон,
Бир пиёла чой-ла қўёлмасам нон,
Кўнглин олиш учун куйдирмасам жон,
Юрагимни эзар яна ўша соз:
“У – Райим буванинг боласи эмас”.

Бор нарсани сўраб келганда биров,
Ўйланиб турсам-у, бермасам дарров,
Турли баҳоналар қалаб қўйсам гов,
Қўли очиқ эди, асло ўхшамас:
“У – Райим буванинг боласи эмас”.

Ҳаётдан кўз юмса бир инсон ногоҳ,
Фотиҳа қилмасам, тортмасам бир оҳ,
Қабрга кузатиб боролмасам гоҳ,
Дейишар: “Не учун охираг билмас,
У – Райим буванинг боласи эмас”.

Эл деса: “Жонимқул ажойиб инсон,
Ҳалол меҳнат билан топиб ейди нон,
Эл-юртга бахшида этади у жон,
Энтикиб қўяман, қалбимда фахр:
Мен – Райим буванинг боласи ахир.

1999

ЭЛИМ, ОГОҲ БЎЛГИН

Муҳтарам Юртбошимиз Ёслол Каримовга

Халқим лойиқ кўрди сизни тахтига,
Сиз ҳам омон бўлинг халқим бахтига.

Оллоҳим, асрагил азиз инсонни,
Ахир иш бошлади ўпиб Қуръонни.

Элу юрт миннатдор сиздек инсондан,
Олиб ўтолдингиз қанча буюрдан.

Саксон ёшли онам йиғлаб ётибди:
Болам, подшомизга ким ўқ отибди.

Кимлар сўндирмоқчи қуёшимизни,
Худойжон, асрагил юртбошимизни.

Сотқинлар учрасин илон захрига,
Халқнинг қарғишига, Оллоҳ қаҳрига.

Ватан хоинлари-муртад, палидлар,
Сизмасми суягин ғажувчи итлар.

Разил газандалар, ниятингиз пуч,
Юртбошим олади ўз халқидан куч.
Ватанни қилмасин қайғуга дучор,
Элим, огоҳ бўлгин, бўлгин кўп хушёр.

1999

* * *

“Мулку жаҳонингга ўзингсан султон,
Гофил бўлма, болам, келди озодлик”. —
Суюнчи сўрайди ҳур Ўзбекистон,
Қалбимни чулғайди ажиб бир шодлик.

Тортиқ тополмайин бўлдим овора,
Эркнинг хуш муждали бу элчисига.
Озодлик — буюк бахт бирдан-бир чора,
Юрагимни бердим суюнчисига.

1999



Шивирлашга ундама, юрак,
Сўзларимни ҳайқириб айтай.
Мен ҳақимни танишим керак,
Бардам бўлгин ва ҳамиша шай.

Шивирлашга ундама, юрак,
Овозимни элим эшитсин.
Мудраганга билдирай тилак,
Титрасин, у уйғониб кетсин.

Шивирлашга ундама, юрак,
Товушларим тошга кор қилсин.
Ўзлигини билмаган ўзбек
Яшамоқни бугун ор билсин.



Ифтихорга тўлиб кўнгил шод,
Ҳайратларга тўладир олам —
Амир Темур — илоҳий бир зот,
Яккабоғда туғилган одам.

Мақтанмоқчи эмасман зинҳор,
Фахр, гурур кўзимдаги нам.
О, шуҳратинг нақадар пойдор,
Яккабоғда туғилган одам.

Қонхўр демиш ўрис оғалар,
Фариштамас экан Ленин ҳам.
Халқ ичида абадий яшар
Яккабоғда туғилган одам.

Асоратда қолганда бир пайт,
Озод этди Оврупони ҳам.
Ёвузмикан, халоскорми, айт,
Яккабоғда туғилган одам.

Боязидни йиғлатди зор-зор,
Додин берди Тўхтамишни ҳам.
Адолатни куч билган сардор —
Яккабоғда туғилган одам.

Билар испан, фаранг олими,
Билар олмон, инглизлар ҳам,
Амир Темур — жаҳон маълуми,
Яккабоғда туғилган одам.

Мўъжизага тўлди Самарқанд,
Машҳур қилди шаҳри Кешни ҳам.
Бўлармизми муносиб фарзанд,
Яккабоғда туғилган одам.

Ўттиз йилки келдим алданиб,
Юз йилликдир юрагимда ғам..
Мен кимларга келдим ишониб,
Яккабоғда туғилган одам?!

Асрларнинг силсиласида
Зулмларга берилди барҳам.
Улуғликка битай қасида,
Яккабоғда туғилган одам.

Қадри яна бўлди сарбаланд,
Сиймоси-чи, ҳайкал мужассам.
Истиклолга бўлолди пайванд
Яккабоғда туғилган одам.

Она юртим – жоним Яккабоғ,
Амир Темур бешиги кўркам.
Номингга ҳеч туширмасин доғ
Яккабоғда тутилган одам.

1999

Она тилим ҳеч қачон ўлмас,
Уни билган асло кам бўлмас.
Аруз ёзсам, бармоғим тинмас,
Туркий забон ҳеч қачон ўлмас.

Ушбу тилга соҳиб Алишер
Мангуликда юрар қайрилмай.
Яшамоқда Фурқат ва Бобур
Ҳижрон чекмай, юртдан айрилмай.

Наҳот энди ёр-ёрлар тинар,
Ўзга тилда айтилар алла,
Наҳот энди рубобим синар,
“Муножот”ни чалмай баралла.

“Ҳаё кетиб “ҳ”сиз қоламиз,
“Ғафлат босиб, “ғ”сиз қоламиз.
“Қонсиз-жонсиз “қ”сиз қоламиз
“Ўлмай туриб “ў”сиз қоламиз.

Йўқ!!! Усмон ё Қодирий ўлмас,
Токи танда бор экан жоним.
Ўзга тилда атаса бўлмас,
Онажон, деб Ўзбекистоним.

1983

Боғларни кезаман бахтдан маст, сархуш,
 Дарахтлар гуллаган, нафис табассум.
 Қушлар чаҳ-чаҳлайди этиб кўнгилхуш,
 Юртимга ортади яна ҳавасим.

Эркинлик туяман булбул куйида,
 Вужудимни олар ажиб ҳис чулғаб.
 Мени бир гул кутар ариқ бўйида,
 Ўн саккиз ўримли сочини тўлғаб.

Гулнинг хушбўиидан оламан нафас —
 Оламга боқаман, тўймайди кўзим.
 Юрагим куйларга тўлиб кетди. бас,
 Булбулга айланиб куйлайман ўзим.

МАКТАБ МАДҲИЯСИ

Кимки қадам қўйса, у топгай иқбел,
 Ўзингсан муқаддас, азиз кошона.
 Илмга ташналар бўлур баркамол,
 Билим даргоҳисан, меҳрибон она.

Нақорат.

Ақл ва тафаккур кўрсатар жамол,
 Устозлар сабоғи дилда ҳар қачон.
 Бағрингда ёш авлод топади камол,
 Етуклик маскани — мактаб жонажон.

Сен борсан, инсоннинг йўллари равон,
 Қучоғинг англатар не-не бир сеҳр.

Толиблар бор экан, танийди жаҳон,
Бағрингда туғилар Ватанга меҳр.

Н а қ о р а т:

Ақл ва тафаккур кўрсатар жамол,
Устозлар сабоғи дилда ҳар қачон.
Бағрингда ёш авлод топади камол,
Етуқлик маскани — мактаб жонажон.

1997

★ ★ ★

Арчасиз тоғ тоғ эмасдир, оғажон,
Мевасиз боғ боғ эмасдир, оғажон.
Ўз олдига эзгу мақсад қўймаган
Одам зинҳор соғ эмасдир, оғажон.

Ҳар инсонга ҳар хил овоз берилган,
Кимга қалам, кимгадир саз берилган.
Қуш зотиға турли парвоз берилган,
Бургут — шунқор, соғ эмасдир, оғажон.

Ёмғир ёғса олам гўзал бўлади,
Сойлар сувға, даштлар донға тўлади.
Булут ерга дармон-чун тўкилади.
Булут кўкка доғ эмасдир, оғажон.

Ўз йўлингни ўзинг топа билмасанг,
Ҳалол нима, ҳаром нима, билмасанг.
Эл-юрт учун бирор хизмат қилмасанг,
Халқинг сендан чоғ эмасдир, оғажон.

Арчасиз тоғ тоғ эмасдир, оғажон,
Мевасиз боғ боғ эмасдир, оғажон.
Ўз олдиға эзгу мақсад қўймаган
Одам зинҳор соғ эмасдир, оғажон.

1982

Ташнаи зоринг ўзим, чанқоғим йўқ бўлмади,
Кўнглима йўқдир тўзим, ҳеч қачон тўқ бўлмади.

Не-не бир қоши камон, айламоқ бўлди нишон,
Баридан қолдим омон, отгани ўқ бўлмади.

Чиқариб аста тугун, чўғ бўлар ёнса ўтин,
Вужудим ёнар бутун, ҳеч қачон чўғ бўлмади.

Раҳм эт, эй дилором, дилда йўқ зарра ором,
Кўзларимга тўлди нам, сен каби шўх бўлмади.

Боқмадинг бир бор ҳолим, кўрмадим сендек золим,
Муттасил куяр Жоним, ҳажрингда йўл бўлмади.

1998

Эй, сиз! Кўзингизни очинг каттароқ,
Бунчалар лоқайдсиз мустақилликка.
Наҳотки шунчалар мукка кетгансиз,
Ўша малайликка, машъум қулликка.

Бизнинг аждодимиз шундай ўтганми,
Бир бор назар солинг тарих қаърига.
Ор-номус, гурурни шу ер ютганми,
Буруннинг остидан боқинг нарига.

Ваҳима қиласиз, оч қолдим дейсиз,
Яшамоқ қийин деб солаяпсиз жар.
Сизни ваҳимага солган ушбу сўз
Мен учун бебаҳо, бамисоли зар.

Юз йилки, ҳақ сўзни айта олмадик,
Тавқи лаънат ости улар ўзбекка.
Оловли йилларда яшасам агар,
Мен йигит бўлардим Мадаминбекка.

Кул бўлиб эркисизу тўқ яшагандан
Озодлик кўёши нурга тўлдирсин.
Ўзликдан воз кечиб ўйнаб кулгандан,
Ўлдирса озодлик гами ўлдирсин.

Ўзимиз қозонни қайнатмай туриб,
Ўзга ўчоқларга ўтин қаласак.
Нечун яшаш керак манқуртдек бўлиб,
Наҳотки қорин деб товон яласак.

Мени куйдиргани — қалб қашшоқлиги,
Мени куйдиргани — қурт каби яшаш.
Бурчимдир элимни хобдан уйғотиш,
Менинг кўксимдаги юрак бу — оташ.

Иймон бор, бировнинг ҳақин эмасман,
Рост десам, қуллигин англаган қулман.
Жонимқулман, жоним қули эмасман,
Истиқлол кўшигини куйлар булбулман.

Сенга бўлсин, юртим, минг жоним фидо,
Содиқ фарзандлигим ҳар дам билдирай.
Гар сенга хиёнат қилсам, мабодо
Юрагимни минг ханжарга тилдирай.

1993

* * *

Мен ёримни таъриф этсам
минг-минг хушрўй ўрнида.
Ҳаётимни баён этсам,
ул ёр учун уй ўрнида.

Хаёлан ёнида юрсам,
Кеча-кундуз ўйлаб турсам,
Қоматини бир бор кўрсам,
Ҳар бир лаҳза тўй ўрнида.
Ул нафас қилса нетарман,
Арши аълога етарман,
Жонимга роҳат етарман,
Анбари хушбўй ўрнида.

Мендан нуқсон изласангиз,
Ёрни менга тезласангиз,
Аччиқ сўзин сўзласангиз,
Тинглагайман куй ўрнида.

Жонимкулга таъна этар,
Бир кулбасиз у ер истар,
Ёнимдадир ул ёр агар
Биёбон ҳам уй ўрнида.

1990

Бола эдим, боғимизда
Зардолунинг тагида,
Ўқир эдим “Гўрўғли”ни
Айни тушлик чоғида.

Достон жуда қизиқ эди,
Кетган эдим берилиб.
Қирқ йигитнинг бири мендек,
Кўяр эдим керилиб.

Фиркўк назаркарда отдир,
Сапчир тинмай фалакка,
Гўрўғлибек ёв чақирар:
Кела бер якка-якка.

Зарба еган душманларнинг
Кўкка чиқар нолиши.
Завқ берарди Гўрўғлининг
Ҳар бир қилич солиши.

Қирқ газ қилич сермалади,
Жангки, роса авжида.
Қирқ йигит ҳам жанг қилади,
Мен ҳам шу жанг мавжида.

Эҳ, отажон, кўйган эди
Достон мени сеҳрлаб.
Ўтди шу дам ўрма қамчи
Ўнг елкамни муҳрлаб.

Эрта билан ишга кетиб,
Тушлик учун келсангиз

Ўғилчангиз китоб ўқир,
Мундоқ қараб билсангиз.

Куралмаган сайисхона,
Тоза эмас офил ҳам.
Боқувдаги қўй олдида
Беда йўқдир бир тутам.

Яккамихга қарасангиз,
Сувсиз турибди тўриқ.
Инобатга олинмаган
Эрталабки топшириқ.

Одам бўлмас бу бола деб,
Чиқиб роса жаҳлингиз.
Шундоқ қилиб ўнг елкамни
Муҳрлади қамчингиз.

Бола эдим, қочиб кетдим,
Қочиб кетдим тоғ томон.
Арчазорга кириб олдим,
Қўлимда яна дoston.

Хон Гўрўғли қилич урса,
Тушар эдим мен чўчиб.
Гўёки сиз бошим узра
Турибсиз қамчи тутиб.

Қайта-қайта ўқимайин
Завқим қўзғамас дoston.
Олдингизга бошим эгиб,
Қайтиб келдим, отажон.

У кунлар-ку, ўтиб кетди,
Қолди хотира бўлиб,
Мана бугун яшаяпман
Катта элга кўшилиб.

Ҳар ким ҳар хил қадам ташлар
Ҳаёт ўнгу сўлида.
Орзуларим мени бошлар
Эзгу ишлар йўлига.

Шу йўлимдан тояр бўлсам
Раво кўрманг томчини,
Йўқ, отажон, тонмайин мен
Тутинг ўша қамчини.

1979

ШАҲАРЛИК ДЎСТИМГА

Кел, кела қол қишлоққа, дўстим,
Кузат табиатнинг рангини.
Автолардан зериккан бўлсанг,
Миндираман оппоқ ҳангини.

Тоғ сайрига чиқиб, топасан
Туйғуларнинг энг тарангини.
Боғ ичида ётиб тинглайсан
Турфа қушининг минг оҳангини.

Нимагадир қоққинг келмайди
Кийимларга кўнган чангини.
Бутун борлиқ тинглаб туради
Пиёламиз шўх жарангини.

Ва шаҳарга қайтасан-сархуш
Юрагингни ювиб зангини.

1997

ЧИМИЛДИҚ

Сен ўшасан, қадимийсан, ўшасан,
Сен ҳаётда энг муқаддас гўшасан,
Сен инсонни бир умрга қўшасан,
Бугун сенга қувноқ икки дил интиқ,
Сен уларга бағрингни оч, чимилдиқ.

Сен ўзбекнинг энг қадимий расими,
Сенга бўлсин икки ёшнинг таъзими,
Улар кирса, айтгил, бағринг розими,
Улар сенга бўлишмоқда қўп интиқ,
Кел, уларга бағрингни оч, чимилдиқ.

Сенга кирган олма бўлсин, нок бўлсин,
Сенга кирган сар мевали ток бўлсин,
Сенга кирган сутдай тоза, пок бўлсин,
Улар сенга бўлишмоқда қўп интиқ,
Сен уларга бағрингни оч, чимилдиқ.

ҚИЗИЛТОМЛИК ЧАВАНДОЗЛАРГА

Ассалом алайкум, аҳли Қизилтом,
Яхши ният билан сўзга лаб уринг.
Уйингизга меҳмон бўлдиқ бу оқшом,
Отдан гурунг беринг, отдан гапиринг.

Йигитнинг от каби қаноти бўлсин,
Бойчибори бўлсин, Фироти бўлсин,

Кўпкаридан олган кўп зоти бўлсин,
Отдан гурунг беринг, отдан гапиринг.

Қамчининг товуши қулоққа келсин,
Бедовман деганни сағрисин тилсин,
Чавандоз улоқни эгарга илсин.
Отдан гурунг беринг, отдан гапиринг.

Кўрганман Нашернинг айирганини,
Номардлар жilовин қайирганини,
Биламан совринга той берганини,
Отдан гурунг беринг, отдан гапиринг.

Кўпкари қадимдан қолган ақида,
Гапиринг Ҳомиднинг кўки ҳақида,
Дамин чавандозни қўшинг гоҳида,
Отдан гурунг беринг, отдан гапиринг.

Чавандознинг иши бўлсин доим ўнг,
Қандай тортар эди, айтинг, Берди гунг,
Отларни қашиб кўй кўпкаридан сўнг,
Отдан гурунг беринг, отдан гапиринг.

Қандай учқур эди, айтинг, Кўккаптар,
Таърифин ёзмоққа етмас минг дафтар,
Бир хил чавандозлар аёлдан баттар,
Отдан гурунг беринг, отдан гапиринг.

Зўр чавандоз дейди ўзини Чироқ,
Ҳар замон қўлига тегади улоқ,
Тўдадан айириб кетолмас бироқ,
Отдан гурунг беринг, отдан гапиринг.

Катта ўғил сўкар Дамин “золим”ни,
Нега сотдинг дея яхши молимни,
Зор-зор йиғлатди-ку ўғли Ҳалимни,
Отдан гурунг беринг, отдан гапиринг.

Майли, миллионга отлар сотилсин,
Йигитнинг кўзидан ёшлар отилсин,
Яхши отнинг қадрин йигит ҳам билсин,
Отдан гурунг беринг, отдан гапиринг.

Ҳалол ва ҳаромни фарқла, алҳазар,
Чилвир қилганларга солмагин назар,
Фирромга бермаган Амир Эшназар,
Отдан гурунг беринг, отдан гапиринг.

Шоирнинг шеър каби яхши гули йўқ,
От минай деганда топган пули йўқ,
Ўзбекнинг бошқа бир Жонимқули йўқ,
Отдан гурунг беринг, отдан гапиринг.

Сабоқ бераяпман, сабоқларимдан
Кенгайиши керак тасаввур, ақл.
Интизор сўрайман: “Савол бор кимда?”
Толибим, сўрадинг: “Ким деб Геракл?”

Оламга афсона бўлган паҳлавон
Юнон саволингга бўлибди вакил.
Не-не паҳлавонлар кўрмади жаҳон,
Толибим, қулоқ бер, кимдир Геракл?

Автобус тўхтади: югурди тўда,
Бир одам чиқолмас, ранглари заҳил.
Чиқариб жой бергил, қилгин осуда,
Шунда сен аталгунг буюк Геракл.

Бехосдан йиқилди мункиб бир кимса,
Устидан кулдилар, бу қандай аҳл.
Сенинг ёрдаминг-ла ўрнидан турса,
Савобга қўл урдинг, сенсан Геракл.

Инсонлар довлашиб қолар баъзида,
Уларни яраштир, бўлсин тинч, аҳил.
Яхшилик ҳамиша элнинг оғзида,
Соҳиб ким, ўшадир чиндан Геракл.

Шаҳвоний ҳирс энг ёвуз кучдир,
Фаҳшга берилма, бўлма беақл.
Ботқоғига ботган нафратга дучдир,
Тиёлсанг ўзингни, сенсан Геракл.

Толибим, илм ол, бер унга кўнгил,
Илм Бойчибордир, тенги йўқ дулдул,
Азиз укажоним, қимматли сингил,
Алпомиш, Барчиндек, асил ўзбек бўл.

* * *

Ваҳ, қирқ коки елкангизда илғалар,
Кўрган ҳар жон изингиздан ирғалар.

Ҳайки, бунча ярашиқ ул сирғалар,
Ҳайратидан юрак қиндан сирғалар.

Жонга сиртмоқ қора зулфлар тўлғанар,
Банди ошиқ кеча-кундуз тўлғанар.

Қирқта кокил қирқ ўйноқи жилғалар,
Ташна қалбни қондирмасми жилғалар?

Таърифига кунда қалам йўрғалар,
Қул Жонимни қутқаролмас йўрғалар.

* * *

Ажиб бир ҳисларга тўласан,
Елкангдан тушади оғир санг,
Ҳам ҳузур қилиб бир куласан,
Абдулла Орифни ўқисанг.

Билмадим, оқмисан, қорасан,
Бировни бехосдан нуқисанг,
Кечирим сўрашга борасан,
Абдулла Орифни ўқисанг.

Мутолаа қилишдан чарчама,
Қалбингни босмайди асло занг.
Сенга ошно бўлмас шум тамъа,
Абдулла Орифни ўқисанг.

Қадимий тарихинг биласан,
Темурга қўшилиб қилгунг жанг,
Фанимлар бағрини тиласан,
Абдулла Орифни ўқисанг.

Муҳаббат не, ўйга толасан,
Ишқни деб бўлмасин голинг танг,

Мажнундек севиб ҳам қоласан,
Абдулла Орифни ўқисанг.

Юксак самоларга учасан,
Кўнгилни чертар бир хуш оҳанг,
Илоҳий бир бахтни кучасан,
Абдулла Орифни ўқисанг.

Қалбингда кезади гул баҳор,
Куз ... намлик... бўлади дилинг танг,
Англайсан, не учун ёғар қор,
Абдулла Орифни ўқисанг.

Туйғулар туғилар хўб нафис,
Овозинг кашф этар хуш жаранг,
Айтганинг бўлади нақ ҳадис,
Абдулла Орифни ўқисанг.

Гуноҳ не, нимадир ё савоб,
Туюлар ҳикматдай не десанг,
Барига топасан бир жавоб,
Абдулла Орифни ўқисанг.

Меҳрдан қоласан сен ҳайрон,
Каъбам деб онангни сийласанг,
Бўласан сен комил мусулмон,
Абдулла Орифни ўқисанг.

Иймон келтирсанг ҳар некликка,
Олам ҳам кўринар турфа ранг,
Шукрона айтгунг ўзбекликка,
Абдулла Орифни ўқисанг.

* * *

Тун сеҳрли, тун гўзал,
Тўлиб кезар мағрур ой.
Гўёки бор давлатин
Ёйиб олган машҳур бой.

Осмон тўла марварид,
Ялт-ялт этиб жимирлар.
Афсунгар тонг қолдирмай,
Битта-битта ўғирлар.

Ёришади кенг олам,
Уфқ борар қизариб.
Бисогидан айрилган
Ой қолади бўзариб.

1993

* * *

Эй дилим, излаганинг ул ёр қани,
Тутмасмиди қирқта кокил орқани.

Зулфи занжирини кесмиш тубидан,
Кўнгилларни чертувчи ду тор қани.

Не балога чапламиш юз-кўзини,
Ҳаё қани, номус қани, ор қани?

Қўш кокили кесилган Оролни кўр,
Бўш бағирни тўлдирган қўш нор қани.

Машраб каби излама дор, Жонимқул,
Осмон учун сиртмоқ қани, дор қани?

Тунлар қаро, тонг отмаган,
Ишқинг ўйлаб онг етмаган.

Телбалардек ҳайқирурман,
Мажнун мендек бонг этмаган.

Қолдим ишқинг тўфонида,
Ҳеч ким мендек чанг ютмаган.

Заъфарондек мунғажурман,
Юздан сариқ ранг кетмаган.

Ким қолибди Жонимқулга
Маломати санг отмаган.

Кўрдимки бу дуне мукамал эмас,
Ҳалол ва ҳаромни кўплар фарқламас,
Фарзандлар падарин қадрини билмас,
Болани отага қайраганлар бор.

Кўнгил озурдадир улар дастидан,
Наф бўлса кечади жондай дўстидан,
Билсанг, топганлари элнинг устидан,
Бировнинг нонидан яйраганлар бор.

Жонимкул, жонингни кўп озорлама,
Тушунмас нодонга сўзинг хорлама,
Куйган булбул каби мунча зорлама,
Булбулнинг номидан сайраганлар бор.

1988

МЕН ТОШКЕНТГА КЕТИБ ҚОЛАМАН

(Ҳазил)

Жаврашингни бас қилгин, хотин,
Буғдой топ деб, опке деб ўтин,
Фигонингдан чиқариб тутун,
Мен Тошкентга кетиб қоламан.

Жонга тегди қишлоқда яшаш,
Гўнг тозалаш, молга ўт ташлаш,
Ёрим, энди мен билан хушлаш,
Мен Тошкентга кетиб қоламан.

Оқ тунука уй ҳам сеники,
Кўтондаги кўй ҳам сеники,
Фақат қоғоз, қалам меники,
Мен Тошкентга кетиб қоламан.

Бекор кўйма даларингни,
Зориқтирма болаларингни,
Эшитмасдан ноаларингни,
Мен Тошкентга кетиб қоламан.

Ана, устоз Абдулла Ориф,
Машҳур бўлди Косондан бориб,

Шеър ўқийди қалбини ёриб,
Мен Тошкентга кетиб қоламан.

Марҳаматлик Муҳаммад Юсуф,
Шоир бўлди Тошкентда ўсиб,
Мен-чи, бунда ётибман писиб,
Мен Тошкентга кетиб қоламан.

Кетма, дейди кексайган онам,
Юрагида аллақандай ғам,
Кўзларига кела бошлар нам,
Мен Тошкентга кетиб қоламан.

Кетма, дейди олма, ашжирлар,
Олти бола — олтин занжирлар,
Сўзларимдан қалбинг зир-зирлар.
Қўрқма гулим, сени биламан,
Мен Тошкентга бориб, келаман,
Шеърларимни бериб келаман.

Сиз яхшисиз, бир яхши.
Мани ўзим ёмон ёр.

Юзингиз ойдай порлоқ,
Ўзганики туман, ёр.

Йўлингизда жон фидо,
Эй, қошлари камон, ёр.

Бошқага ўқ отмангиз.
Мен бўлайин нишон, ёр.

Ишқингизнинг дардида
Рағи рўйим сомон, ёр.

Жонимқулга раҳм этинг,
Қолармикин омон, ер.

1992

ТОШКЕНТЛАРГА КЕТМАНГ, ДАДАСИ!

(Ҳазилга жавоб)

Кечиргайсиз мени, отаси,
Ҳар банданинг бўлар хатоси,
Аёлларнинг менман биттаси,
Тошкентларга кетманг, дадаси!

Жаврашимни энди бас қилай,
Сиздай эрни ярим пир билай,
Шоирсиз-да, яхши шеър тилай,
Тошкентларга кетманг, дадаси!

Шеърлар ёзинг, оққа кўчирай,
Сув ўрнига шарбат ичирай,
Гуноҳингиз бўлса кечирай,
Тошкентларга кетманг, дадаси!

Оч қолсангиз шўрва қилайин,
Ноз-неъматни турфа қилайин,
Совқотсангиз кўрпа бўлайин,
Тошкентларга кетманг, дадаси!

Қошларимга ўсмалар қўйай,
Кўзларимга сурмалар сурай,
Ёстиқ бўлиб, ўзгинам суяй,
Тошкентларга кетманг, дадаси!

Сизсиз ахир уйни нетаман,
Кўтондаги қўйни нетаман,
Изингиздан излаб кетаман,
Тошкентларга кетманг, дадаси!

Кетманг ахир бизларни доғлаб,
Юрмайин мен сизни сўроқлаб,
Қўйвормайман сочимга боғлаб,
Тошкентларга кетманг, дадаси!

Ҳар бир сўзингизга кўнайин,
Йиғламасин кичик Ҳумоюн,
Илтимосим, сиздан, хўжайин,
Тошкентларга кетманг, дадаси!

Болаларни қандай боқаман,
Қандай қилсам сизга ёқаман,
Олдингизда сувдай оқаман,
Тошкентларга кетманг, дадаси!

1999

* * *

“Ўша китобингиз мендан ҳам азиз,
Бедор ўтказдингиз қанча тунларни.
Ахир мен эмасми Кумушбибингиз”. —
Кўлимдан оласан “Ўтган кунлар”ни.

Илдао кўтарма, араз ушлама,
Мени ул китобдан қизғонма, гулим.
Кўз очиб кўрганим, кўп Кумушлама,
Ўзга бир дард билан оғрийди дилим.

“Шўришли кунларга қолмасин халқим”,
Изтироб чекади Қодирий ҳамон.
Ким халқни ўйлайди, ким эса ҳалқум,
Нафс учун юртини сотиши ёмон.

Англадим, бу китоб олтиндан қиммат,
Ўзликни англаган бебаҳо қомус.
Ватанга меҳр бу — элга муҳаббат,
Фахр бу, гурур бу, будир ор-номус.

Эл-юрт ташвишидан бўлмайин холи,
Бедор ўтказайин, майли тунларни.
Бошимга тушмасин манқуртнинг ҳоли,
Қўлимдан олмагин “Ўтган кунлар”ни.

1997

МИРТЕМИРГА

Сиз шунчаки шоир эмассиз,
Сизловуқни сизлатган шоир.
Сиз шунчаки шоир эмассиз,
Шеърингизни излатган шоир.

Сиз шунчаки... ажиб бир ҳайрат,
Она каби туюлар тупроқ.
Янтоқзорлар ичида юриб,
Мен ватанни севаман кўпроқ.

Сиз шунчаки... турна дарёда
Сўзларимни тинглар гулмоҳи.
Оқиб кетар тиниқ сувида
Одамларнинг қилган гуноҳи.

Сиз шунчаки... қадрлайдилар
Увол қилмай нон увоғини.
Гул ўрнида тўйиб ҳидлайман
Катта қирнинг туп шувоғини.

Сиз шунчаки... ҳаприқар юрак,
Ёндирасиз қалбим қўрини.
Шеърга ошно кўнглим уйини
Сизга атаб қўйдим тўрини.

Сиз шунчаки... эзгу бир ният:
Севса ҳамма инсон Ватанни.
Қани энди ҳар бир фарзанди
Сиздек севса Ўзбекистонни.

1996

Адабий-бадиий нашр

Жонимқул Тўра

КЎНГИЛ КУТГАН ҚЎШИҚЛАР

Ш е ь р л а р

Муҳаррир *Ж. Субҳон*

Мусаввир *А. Васихонов*

Бадий муҳаррир *А. Бобров*

Техник муҳаррир *Т. Смирнова*

Кичик муҳаррир *Н. Фозилова*

Мусаҳҳиҳ *У. Соатова*

Компьютерда саҳифаловчи *С. Раҳмедова*

ИБ №3851

Босишга 12.06.2000 да рухсат этилди. Бичими 70x90 1/32.
Таймс гарнитура. 1.17 шартли босма тобоқ. 1,0 нашр бос-
ма тобоғи. Жами 1000 нусха. **1997** рақамли буюртма.
67—2000 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси-
нинг Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наші-
риёти — 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси-
нинг 1-босмаҳонасида босилди. 700002, Тошкент,
Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.



Жонимқул Тура 1959 йилда Қашқаларе ви-
лоятининг Яккабоғ туманидаги Ишкент қиш-
лоғида туғилган. 1984 йили Тошкент Давлат
педагогика университетининг ўзбек тили ва
адабиети факультетини битирди.

Ҳозир Ишкент қишлоғидаги 22 мактабда
ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб иш-
лайди.

Ушбу гўнлам шоирнинг илк китоби.

